

МИЛЛИЙ ЮКСАЛИШДА ЭТНОМАДАНИЯТНИНГ ЎРНИ

ИШИМОВ Азамат Мамедович

Технология Менежмент Сингапур Институтининг
"Тиллар ва ижтимоий-гуманитар фанлар" кафедрасининг
катта ўқитувчиси
E-mail: azamatishimov30@gmail.com

АННОТАЦИЯ

Мақолада мафкуравий курашлар жараёнида дунё миқёсида ахборот оқимининг кучайиши ва турли сохта қадриятларнинг оммалашуви натижасида ўзлигини сақлаб қолишга интилаётган ўзбек этномаданияти ҳамда ундаги фундаментал аҳамиятга эга гоялар, қадриятлар, қарашлар бугунги миллий гоя ва мафкуранинг долзарблиги масаласи, Миллатнинг ўзини - ўзи англаши, муайян моддий ва маънавий қадриятларнинг таъсирчанлиги сифатида тасдиқлаши, унинг муайян этник бирликка, давлатга, тилга, маданият, урф-одат, анъаналар ва қадриятларига мансублигини тушуниб етиши ҳамда уларни ривожлантириши, бойитиши заруриятини ва аниқ йўللарини англашидир, масаласи таҳлил қилинган. Шунингдек бугунги кунда миллий қадриятларни сақлаш ва келажак авлодга етказиш масаласининг аҳамияти унинг фалсафий-илмий асослари келтирилган.

Калит сўзлар: Мафкура, қадрият, ахборот оқими, гоялар, қарашлар, миллий гоя, урф-одат, анъаналар, этномаданият, этноэстетик мерос, ахборот хуружлари, "оммавий маданият", глобаллашув жараёни, мафкуравий полигон, геосиёсий вазият, маънавий инқироз, мафкуравий кураш.

THE ROLE OF ETHNOCULTURE IN NATIONAL DEVELOPMENT

ABSTRACT

The article analyzes the issue of the relevance of the Uzbek ethnoculture and its fundamental ideas, values, and views, which are striving to preserve their identity in the process of ideological struggles as a result of the intensification of the information flow on a global scale and the spread of various false values, the relevance of the national idea and ideology today, the self-awareness of the Nation, its affirmation as a carrier of certain material and spiritual values, its belonging to a certain ethnic unity, state, language, culture, customs, traditions and values, and the need and specific ways to develop and enrich them. Also, the importance of the issue

of preserving national values and passing them on to future generations today is presented, its philosophical and scientific foundations are presented.

Key words: *Ideology, value, information flow, ideas, views, national idea, tradition, traditions, ethnoculture, ethnoaesthetic heritage, information attacks, "mass culture", Globalization process, ideological polygon, geopolitical situation, Spiritual crisis, ideological struggle.*

МЕСТО ЭТНОКУЛЬТУРЫ В НАЦИОНАЛЬНОМ РАЗВИТИИ АННОТАЦИЯ

В статье рассматривается вопрос актуальности узбекской этнокультуры и ее основополагающих идей, ценностей и взглядов в процессе идеологической борьбы, в результате усиления информационного потока в мировом масштабе и распространения различных ложных ценности, актуальность национальной идеи и идеологии сегодня, самосознание нации, определенные материальные и Проблема утверждения себя как носителя духовных ценностей, осознание своей принадлежности к определенному этническому единству, государству, языку, культуре, Анализируются обычаи, традиции и ценности, а также понимание необходимости и конкретных путей их развития и обогащения. Также представлена важность сохранения национальных ценностей и передачи их будущим поколениям сегодня, ее философские и научные основы.

Ключевые слова: *Идеология, ценности, информационный поток, идеи, взгляды, национальная идея, обычаи, традиции, этнокультура, этноэстетическое наследие, информационные атаки, «массовая культура», Процесс глобализации, идеологический полигон, геополитическая ситуация, Духовный кризис, идеологическая борьба.*

КИРИШ

Янги Ўзбекистонда амалга оширилаётган барча ислохотлар замирида “Миллий тикланишдан миллий юксалиш сари” ҳаётбахш ғоя мужассам. “Ўзбек миллий маданияти ўз ўзаги асосида шаклланган. Шундай экан, ўзбек этномаданияти ҳамда ундаги фундаментал аҳамиятга эга ғоялар, қадриятлар, қарашлар бугунги миллий ғоя ва мафкураининг ҳам илдиридир. Шунинг учун миллий ғоя ва мафкура мазмунида ифодаланган фундаментал қадриятлар,

концептуал қарашларни этномаданиятдан, этномаданий ва этноэстетик меросдан излаш керак”¹.

Ижтимоий ҳаётда рационалликдан кўра англалмаган, тасодифий, ҳатто деструктив ҳодисалар кўп. Ижтимоий-тарихий тажриба кўрсатадики, ҳеч бир жамият ушбу тасодифий ҳоллардан батамом қафолатланган, ҳимоя қилинган эмас, аслида ҳаётнинг қизиқарли ва сирли ҳодиса эканлиги ана шундай кутилмаган ҳодисаларнинг мавжудлиги боисдир. Жамият бир босқичдан иккинчи, бутунлай бошқа тараққиёт босқичига ўтаётганида тасодифийлик, гоҳо англаманг пессимизм ёки бузғунчилик авж олиш хусусиятига эга. Ушбу салбий ҳоллардан, ҳодисалардан жамиятни давлат асрай олади².

Мамлакатимизнинг Биринчи Президенти Ислам Каримов бугунги мафкуравий курашлар, бузғунчи ғоялар таҳдидини таҳлил қилар экан, тоталитар тузум емирилганидан кейин дунёнинг қутбларга бўлиниши барҳам топса-да, шу туфайли у хавфсизроқ, барқарорроқ, собитқадамроқ бўлиб қолмаганига эътибор қаратади. “Кейинги йилларда – деб таъкидлайди у, бутун дунё миқёсида ва минтақалар даражасида вужудга келаётган ташқи муносабатларни танқидий таҳлил қилиш ва энг аввало: ...миллий ўзликни англашнинг фаол жонланиши ҳамда миллатлар ва айрим элатларнинг ўз тақдирини ўзи белгилашга интилиши; этник ва миллатлараро зиддиятларнинг сақланиб қолаётганлиги бизни қуршаб турган олам ғоят мураккаб ва муаммоли бўлиб келди, шундай бўлиб қолмоқда ва яқин истиқболда ҳам шундай бўлиб қолажак”³.

МУҲОКАМА ВА НАТИЖАЛАР

Глобаллашув жараёнида дунё миқёсида ахборот оқимининг кучайиши ва турли сохта қадриятларнинг оммалашуви, айниқса, Ғарб оламида кўзга ташланаётган маънавий инқироз ғарбона турмуш-тарзи ва қадриятларни, “оммавий маданият” намуналарини тарғиб этиш орқали ахлоқий маданий ва маънавий қадриятларимизга, ёшларимизнинг онг-шуурига таъсир кўрсатмоқда⁴. Глобаллашув аста-секин турли мамлакатларнинг биргаликдаги, келишилган қарорларига, у ёки бу умумий манфаатларнинг шаклланишига олиб келиши

¹ Нишанова О. Ўзбек этномаданиятининг эстетик моҳияти ва функциялари. 09.00.02 – Онг, маданият ва амалиёт шакллари фалсафаси (Эстетика) Фалсафа фанлари доктори илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертацияси. –Тошкент: , 2016. –Б.55

² Қўчқоров В. Ўзбекистонда ижтимоий-сиёсий ҳаётни демократиялаш жараёнида миллий ўзликни англаш муаммоси (сиёсий-фалсафий тадқиқот) 09.00.10 – сиёсат фалсафаси ихтисослиги бўйича сиёсий фанлар доктори илмий даражасини олиш учун тайёрланган диссертация. - Тошкент – 2007.-Б. 181

³ Каримов И.А. Хавфсизлик ва барқарор тараққиёт йўлида: Т. 6. – Тошкент: Ўзбекистон, 1998. –Б. 30

⁴ Маънавият асосий тушунчалар изоҳли луғати / Тузувчи ва масъул муҳаррир Қ.Назаров. –Т.: Ф.Ғулом номидаги НМИУ, 2009. –Б.639

мумкин, ва ҳеч бўлмаганда жаҳон иқтисодиёти етакчиларининг эҳтиёжларини ҳисобга олган ҳолда дунёнинг тобора кенгроқ майдонларида барқарор ривожланиши мумкин. “Таҳлиллар кўрсатмоқдаки, гегемонлик хоҳишидан воз кеча олмаётган айрим давлатлар ҳали-ҳануз ривожланаётган мамлакатларни ўз таъсирига олишга уринмоқда, империячилик кайфиятидаги арбоблар демократик ғоялар экспорти завқига берилиб кетиб, баъзида давр синовидан омон чиққан миллий қадриятларга нописандлик қилмоқда. Геосиёсий мақсадларни кўзлаб амалга оширилаётган ахборот хуружлари ижтимоий тармоқларга кўчмоқда”⁵.

Шу билан бирга бугунги кунга келиб миллий уйғониш руҳи, миллий ғоя ҳаётимизга тобора чуқурроқ сингиб бормоқда. Шу ўринда эслатиб ўтмоқ жоизки, фуқаролар руҳиятида, тафаккурида ўзгариш бўлмас экан, тараққиёт ҳақида гапириш мушкул. Руҳият ва қарашлар ислоҳ қилинмас экан, янги давлат ва жамият барпо этиш ғояси ҳам самарасиз бўлади. Чунки одамларнинг онги ва турмушига кўплаб йиллар мобайнида зўравонлик йўли билан сингдирилган нарсаларни бир зумда ўзгартириш мумкин эмас. С.Отамуратов тўғри таъкидлаганидек, “Миллатнинг (элатнинг) ўзини - ўзи реал мавжуд субъект, муайян моддий ва маънавий қадриятларнинг ташувчи сифатида тасдиқлаши, унинг муайян этник бирликка, давлатга (тор ва кенг маънода), тилга, маданият, урф-одат, анъаналар ва қадриятларига мансублигини тушуниб етиши ҳамда уларни ривожлантириш, бойитиш заруриятини ва аниқ йўлларини англашидир”⁶.

Ҳозирги даврда мафкуравий полигонларнинг ўзига хос хусусиятлари тамаддун ўзгаришлари билан уйғунлашувида кўзга ташланмоқда. Бир нарса аниқ бўлиб қолди: тамаддун инқирози бир бутун яхлитлик сифатидаги бутун дунё ҳамжамияти мавжудлигини хатар остида қолдирмоқда. Мазкур инқироз турлича кўринишларга эга.

Биринчидан, бу янги геосиёсий вазиятдаги халқаро муносабатлар тизими инқирози икки кутбли дунёнинг бир кутблилик дунёга айланишидир. Унинг хатарли оқибатларидан бири ядровий (ва демак радиацион) хатарлар таҳдиди, шунингдек, миллатларнинг тирик қолиш учун кураши ва ҳудудлар ҳамда ер куррасининг тугаб бораётган табиий захираларини тақсимлаб олиш учун глобал рақобати кескинлашуви билан боғлиқ “экологик можаролар ва

⁵ Муродова. Ш. Ижтимоий тармоқ “сўкмоқ”лари//. – Тафаккур-2013. 4-сон Б. 21.

⁶ ¹Атамуратов С.А. Национальная культура и национальное самосознание в процессе обновления общества (социально-философский аспект): Дис. ... д-ра филос. наук.-Т., 1992.-С.50

урушларнинг XXI асрда сақланиб қолаётгани”дир. Бу каби хавф-хатарларни қўзғатувчи ғоялар “мафкуравий полигонлар”да янада ривожлантирилмоқда.

Иккинчидан, бу технологик инқироздир, чунки етакчи мамлакатларнинг Айниқса, ахборот инқилоби мафкуравий полигонлардаги курашни янада жадаллаштириб юборди.

Учинчидан, бу саноатлашув тамойиллари асосида шаклланган ҳамда бутун оламни глобал экологик ҳамда иқлим ҳалокати ёқасига олиб келиб қўйган табиатга нисбатан “ишғолчилик” инқирозидир.

Ва ниҳоят, инсонинг ўзидаги инқироз. Бу ўринда гап, энг аввало, инсон ҳаёти ва саломатлигига бўлган таҳдидлар ва уларга мослашув салоҳияти етарли эмаслиги ҳақида бормоқда.

Мамлакатимиз мана шундай мафкуравий курашлар майдонининг бир қисми экан, мафкура соҳасидаги мутахассислар унда кечаётган мафкуравий кураш, уларнинг таъсирини юмшатиш, ижтимоий маданий муҳитда мафкуравий муаммоларини ҳал қилиш билан фаол шуғулланмоқдалар. Бу жараёнларнинг турли жиҳатларини тадқиқ қилган ишларнинг устувор жиҳатлари қуйидагиларда акс этмоқда:

жамиятда маънавий-мафкуравий бўшлиқларининг олдини олиш, ижтимоий онгнинг вазиятга мос келган ҳолда миллий ғоямизни сингдиришнинг асосий объектига айланиб бораётгани;

фуқароларнинг жамоавийлик руҳи, индивидуализмнинг паст даражаси, одамлардаги ҳокимиятга нисбатан ишонч жамиятдаги глобал маданий ғарблалашувни бартараф этувчи омилга айланиб бормоқда. Миллий анъаналарга нисбатан глобал тизимли ўзгаришлар тарафдорлари бўлган концепцияларнинг очикдан очик душманлиги ислохотларни қадрсизлангшани ва ҳатто уларни буткул қарама-қарши натижаларга олиб келгани;

миллийликка ёт бўлган мафкуравий таҳдидлар натижасида айрим ҳолларда ёшларда ижтимоий қарама-қаршиликка айланаётган ижтимоий психологик бегоналалашув шаклланмоқда, этник гуруҳга мансублик шаклланиш жараёнининг айрим жиҳатлари назоратдан четда қолиши оқибатида маргинал қатламларнинг ўсиши юз бераётгани таъкидланмоқда.

Шу ўринда таъкидлаш керакки, миллий менталитетни суиистеъмол қилиш, уни мутлақлаштириш, шахсий, гуруҳий манфаатларга бўйсундиришга интилиш жамиятнинг ривожини учун зарарли ва хатарли эканлигини тарихнинг ўз тасдиқлаб турибди. Миллий менталитетимиз халқимизнинг кўп асрлик тарихининг онгимиз, феълимиздаги муҳридир. У суяк-суягимизга, қон-қонимизга сингиб кетган, дунёқарашимиз, имон-эътиқодимизга айланиб кетган.

Шунинг учун ҳам Ш.Мадаева “миллий менталитетда демократик тафаккурнинг шаклланиши хусусиятларини ўрганишда психологик ва этнологик йўналишдаги эмпирик материалларидан фойдаланиш методи”⁷ муҳим аҳамиятга эга, деб таъкидлайди.

Ҳар бир давлат ўз тараққиёт йўлини белгилашда миллий менталитетидаги асосий хусусиятларни, ундаги фазилат ва иллатларни мукамал ўрганиши ва чиқарилган хулосаларга таяниб миллий демократик тараққиёт тамойилларни ишлаб чиқиш зарур. “Инсон ҳамisha ўз ҳаётий фаолияти, жамият, давлат, атрофдагиларга муносабатда муайян ғояга эҳтиёж сезади. Бинобарин, инсон ўз эҳтиёжлари талабига жавоб берадиган фикрларни қабул қилади. Аммо шуни таъкидлаш жоизки, бу ғоялар жамиятда қарор топган ахлоқий, сиёсий, бадий, эстетик меъёрлардан ташқари бўла олмайди. Ғоя инсоннинг яшаш ва ривожланишига хизмат қилиши учун, энг аввало, ўз субъекти, истеъмолчиси бўлган халқ, миллат манфаатларини ифодалаши, унинг ахлоқий эҳтиёжларини ўзида акс эттириши зарур”⁸. Бу ўринда гап ўзбек халқига хос, унинг этномаданиятидан чуқур жой олган ахлоқий-маънавий мерос, қадриятлар ҳақида кетмоқда.

Маънавий инқироз ва мафкуравий кураш шароитида жамият мафкурасини шакллантиришга фақат миллий-маданий асосга таянгандагина муваффақиятга эришиш мумкинлигини мавжуд вазиятнинг ўзи исботлаб турибди. Миллий анъаналарни сунъий тарзда четлаб ўтишга уриниш доимо муваффақиятсизлик билан тугайди. Бу борада мумтоз ишларда ҳам, замонавий тадқиқотларда ҳам сўз юритилган. Жамиятдаги ислохотлар билан боғлиқ ҳодисалар миллий онга бегона бўлган қадриятларни сунъий равишда тикиштириш йўли билан этномаданий ўзига хосликларни назардан қочириш қандай ҳалокатли оқибатларга олиб келишини собиқ Иттифоқ тажрибаси яққол кўрсатиб берди.

Тарихий тараққиётнинг ҳозирги босқичида инсониятнинг мавжудлигини шубҳа остига қўйган глобал инқирозлар (антропологик, экологик) ва ҳал этилмаган ижтимоий қарама-қаршиликларнинг кучайиши (масалан, терроризм муаммоси) “ҳақиқий” натижаларидир. Бу муаммоларнинг аксарияти глобал миқёсда намоён бўлмоқда. В. Алимасов бу ҳақида куйидагиларни ёзади: “Глобал муаммолардан бири диний, эътиқодий, миллий зиддиятларни авж олишга қарши курашдир. БМТнинг маълумотларига кўра ер юзидаги аҳолининг 75 % зиёди у ёки бу динга эътиқод қилади. Собиқ СССР нинг тарқатилиши билан диндорлар сони янада ошган, бу шубҳасиз. Айниқса ижтимоий ҳаётда

⁷ Мадаева Ш. Миллий менталитет ва демократия.-Т.: Фалсафа ва ҳуқуқ нашриёти. 2007. –Б. 39

⁸ Бойтемирова З. Ахлоқий эҳтиёжлар. –Тошкент: Фан, 2007. –Б. 95

авж олаётган иқтисодий тенгсизликлар халқ бойликларининг айрим гуруҳлар қўлида тўпланиб қолаётгани демократияга шахс эркинлигига қарши уюштирилаётган тажовузлар кўпгина давлатларга кишиларни нажотни ғайри ҳаётий кучлардан излашга ундамоқда. Тўғри эътиқод қилувчилар сонининг ошиши зиддиятларга, низоларга асос бўлиши мумкин эмас. Бироқ ушбу омилнинг мавжудлигини ҳам эсдан чиқариб бўлмайди, чунки баъзи давлатларда (Покистон, Афғонистон, Эрон, Ироқ, Саудия Арабистони ва бошқалар) Шарқ билан Ғарб ўртасидаги таффовутларга диний, эътиқодий тус беришга интилаётган кучлар мавжуддир”⁹.

Этномаданиятдаги яна бир тушунча этник ўз-ўзини англашдир. Этносиёсий ёндашиш нуқтаи назаридан бу тўғридир. «Миллий ўзликни англаш,- деб ёзади В.Қўчқоров, – миллатнинг ижтимоий-сиёсий жараёнларга, жамият ва давлатни бошқаришга қаратилган ислоҳотларга, тараққиёт моделларига, жамиятнинг келажагига оид этносиёсий муносабатлар ҳамдир. Бу муносабатлар миллатнинг, фуқаролар ўз сиёсий-ҳуқуқий имкониятларини рўёбга чиқаришида, яъни ижтимоий-сиёсий ҳаётда ўз манфаатларини ҳимоя этувчи субъектлар сифатида қатнашишида намоён бўлади»¹⁰.

Профессор Ж.Бахронов фикрича, “Шахснинг миллий ўзлигини англаши деганда, аввало, муайян миллатга (этник бирликка) мансубликни, мазкур миллатнинг инсоният тараққиётидаги тарихий ўрнини билиш, миллий кадриятларга садоқат, ўз миллати (этноси) нинг ҳозирги кундаги эҳтиёжлари ва манфаатларини англаши, унинг келгусидаги ривожланиш йўллари билиши ҳамда шу мақсадда виждонан хизмат қилиши тушунилади”³. Шунинг учун ҳам П.Т. Худойбергенова “кишиларнинг турмуш тарзида мустаҳкам ўрин олган ўзгаришларгина прогрессив аҳамиятга эга. Шунинг учун ижтимоий муносабатларда мустақиллик йилларида рўй берган ўзгаришларнинг моҳияти ва кўламини тўғри англаш, объектив баҳолаш учун энг аввало халқнинг, миллатнинг турмуш тарзини тадқиқ этиш лозим”¹¹, деб ҳисоблайди.

“Ўзбекистонликларнинг миллий ўзлиги” номли монография тайёрланган эди. Унда барча ўзбекистонликларнинг ўзлигини ҳис этиши, миллий ўзликнинг шарт-шароитлари, омиллари ва андозалари аниқланган¹². Шунингдек, мазкур

⁹ Алимасов В. Тинчлик маданияти ва унинг глобал муаммолари // Мустақил Ўзбекистон: Фалсафа фанларининг долзарб муаммолари (маърузаларнинг қисқача матнлари 2002 йил 5 июнь). Республика VIII илмий-назарий конференцияси. – Т.: И.Мўминов номидаги Фалсафа ва ҳуқуқ институти, 2002. – Б. 39.

¹⁰ Қўчқоров В. Миллий ўзликни англаш ва ижтимоий-сиёсий жараёнлар. –Тошкент: Akademiya, 2007. -6 б.

⁴ Абдираззаков А. А. Национально-духовные ценности и их место в национальном самосознании нации: Автореф. дис. ... канд. филос. наук.-Т., 1995. -159с.

¹¹ Худойбергенова П.Т. Миллий турмуш тарзи, унинг мустақиллик йилларида тараққиёт хусусиятлари. Фалс. фан. номз. дисс. автореф. - Тошкент: 2006. –Б.3.

¹² Бекмуродов М. Миллий менталитет ва раҳбар маънавияти,. –Т., Адолат, 2003. –Б. 127

Марказ томонидан 2003 йилда «Ўзбекистон - умумий уйимиз» мавзусида ўтказилган социологик сўров натижаларига кўра, респондентлар «Сизнинг фикрингизча, қуйида келтирилган салбий ҳолатлардан қайси бири Ўзбекистонга катта хавф туғдиради ва бизнинг умумий уйимизда осойишта ҳаёт кечирishга халақит беради?» деган саволга диний экстремизм ва терроризм деб жавоб берганлар¹³.

Миллий ўзликни англаш юксак ижтимоий ютуқларга эришишни таъминлабгина қолмасдан, айрим ҳолларда турли низолар ва ҳалокатлар сабабига айланиши ҳам мумкин. Шунинг учун миллий ўзликни англашнинг шакллари ва ўзига хосликларини ўрганиш замонавий ижтимоий тафаккурнинг муҳим вазифасидир. Шу нуқтаи назардан юртимизда демократик жамият қуриш жараёнидаги кўп миллатлилиқ шароитларида миллий ўзликни англаш, унинг намоён бўлиш шакллари муаммоси ўта долзарб бўлиб қолмоқда. Мутахассисларнинг фикрича, этник ўзликни англаш жараёни турли шаклларга эга бўлиши мумкин: а) билиш орқали ўзликни англаш; б) ҳиссий мақсадга йўналтирилган ўзликни англаш; в) бошқарув орқали ўзликни англаш йўлларида намоён бўлади¹⁴.

Ҳозирги вақтда мафкура маънавий ва ишлаб чиариши ҳам мақсадлар ҳимоясини, ҳам уларни амалга ошириш технологияларидан иборат бўлган идеал намуналар орқали воқеъликни ўзгартириш вазифалари билан бу ерда чамбарчас боғлангандир. Ўзининг функционал моҳиятига кўра мафкура соф маънавий ёки амалий-маънавий ҳодиса сифатида баҳоланиши мумкин эмас. У инсон фаолиятини сифатида акс эттирувчи (аралаш) синкретик ҳосиладир. “Миллий ғоя, этник илдизлари, тарихи, маданияти, она юрти, эътиқоди, маънавияти, иқтисодий ҳаёти, қадриятлари, анъана ва урф-одатлари бир бўлган, қондош, жондош кишиларни муайян мақсадлар ва манфаатлар йўлида бирлаштириб, фаолиятини муштараклаштириб, йўналтириб турувчи руҳий омилдир”¹⁵. Миллий ғоянинг бирлаштирувчи, этнослар ва элатларни аниқ, стратегик мақсадларга йўналтирувчи хусусияти этномаданиятдаги интеграцияда, умумийлик ва муштаракликда ўз аксини топган.

Кундалик фаолиятда мафкура мақомини қамраб олувчи мавзулар соҳасини тадқиқ қилиш омилларнинг икки гуруҳи: ижтимоий фаолиятда мафкура

¹³ Маманазаров Н. Мустақиллик ва миллий-этник жараёнлар. –Т., «Ижтимоий фикр» ЖФЎМ, 2004. –Б. 45-46

¹⁴ Одинаева З. Ўзбек миллий идентиклиги аксиологик тамойиллари ва қонуниятларига фалсафий-концептуал ёндашув // Фалсафа фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) илмий даражасини олиш учун тайёрланган диссертация –Тошкент: 2021. –Б.97

¹⁵ Юсупов Э. Миллий ғоя ва мафкура: моҳияти, ижтимоий-тарихий илдизлари, аҳамияти. – Шимкент, 2001. –Б. 37

борасидаги узук-юлуқ асоссиз фикрлардан қутилиш зарурати; мафқуранинг ижобий ижтимоий яратувчиликка асос яратувчи, фуқароларни сафарбар қилиш хислатларидан фойдаланиш заруратидан келиб чиқади.

Маънавий ва маънавий-амалий мажмуа сифатидаги мафқурани ҳис қилишга бўлган доимий қизиқиш инсониятнинг сийқаси чиққан тарихига қизиқишдан келиб чиқаётгани йўқ. Мақсадга йўналтирувчи, ташаббусга ундовчи рағбатлантирувчи ролга эга бўлган “ҳақиқатни субъектив эътироф этиш”нинг назарий-ўрганиш талабларига жавоб берган ҳолда мафқура ўта қудратли кучга эга. Нафақат “илмий бўлмаган” ғоялар издошлари Кампанелладан Соловьевга қадар бўлган илоҳий салтанат лойиҳаси сифатидаги таърифни келтиришнинг ўзи етарлидир. Позитивизм ва изм сифатидаги онгнинг ҳаёлий кўринишига эга бўлган бу муросасиз курашчиларнинг қарашларида ички “мафқуравий” қардошлик борлигини таъкидлаш жоиз. Тарихнинг асосий далилларини ўрганган ҳолда Милл худди алгебрадаги сингари чексиз қаторлардаги бир неча аъзони аниқлаган ҳолда “аъзоларнинг ҳар қандай миқдори қаторнинг навбатдаги бўғини қандай бўлишини ва уларнинг шаклланишидаги доимийлик тамойилини кашф қилиш” га имкон берадиган тараққиётнинг мажбурловчи қонуни бир кун келиб қарор топишини тахмин қилган эди.

Инсоният тарихида кузатилганидек, мафқура ва мафқурадаги хатолар ўта қимматга тушади. Бунга Ўзбекистонда охири ўйланмай амалга оширилган воқеалар мисол бўла олади. Буни ёдда тутган ҳолда ҳаётни мафқурасиз қўйиб бўлмаслигини (инсон бир нарсага интилиб яшаши боис маънавият бўшлиққа тоқат қила олмайди, у нафратланиш шакли бўлган тубан бепарволик билан тўлиши мумкин) унутмаслик лозим. “Четда нима ялтироқ бўлиб кўринса, ўшанинг орқасидан чопиш, хорижники экан, деб унга қуллуқ қилиш, бошқаларга кўр-кўрона эргашиш бизга ярашмайди. Айниқса, маънавият соҳасида. Афсуски, кейинги пайтда бу борада четнинг таъсири, таъбир жоиз бўлса, “импорт”нинг ҳажми ошиб кетмоқда. Маънавий ҳаётимизда бўшашиш, бўшлиқ сезилмоқда”¹⁶.

Ёзаётганидек умр кечир, қандай умр кечираётган бўлсанг шундай ёз, акс ҳолда созинг оҳанглари сохта бўлиб чиқади деб васият қилган эди К.Батюшков, янгича мафқуранинг қимматли негизи мана шундай бўлиши лозим. Бу ерда авторитар, шак-шубҳага йўл қўймайдиган онгнинг эмас ва фуқароларча масъул онг мафқураси назарда тутилмоқда.

¹⁶Мирзиёев Ш.М. Янги Ўзбекистон стратегияси –Тошкент, Ўзбекистон, 2021. –Б. 269

Шундай қилиб, барибир илмий оқлаш усулига келдик. “Эътиқод” дан фарқли ўлароқ “мафкура” тадқиқот услубиятига яқин воситалар ёрдамида яратилади. Ишнинг моҳияти мана шунда. Мафкура илмий бўлиши мумкин эмас, у илмий асосланган бўлиши мумкин. Юқорида келтирилган фикрлар идеократияга (онгли ғояларга асосланган тизим) нисбатан тегишли урғулар қўйишга имкон беради. Ижтимоий қурилишнинг мазмундор асоси сифатидаги идеократия бўлиши мумкин эмас. Бунинг маъноси йўқ. Шундай бўлсада Ватанни соғлом ҳис этиш сифатидаги мафкура бўлиши мумкин. “Шу сабабли, ҳозирги вақтда ижтимоий-маънавий муҳитни илмий асосда таҳлил қилиб, уни яхшилаш, такомиллаштириш бўйича самарали механизмларни ишга солишни даврнинг ўзи талаб этмоқда. Жамиятимизда маънавий-маърифий ишлар шундай асосда йўлга қўйилмагани учун ҳам улар қутилган натижани бермаяпти”¹⁷.

Ўз ерига ҳурмат, ўз халқининг ўзига хос тарихий ҳаётига ва уйғун ривожланишга бўлган ҳуқуқини эътироф этиш, олдимизда ҳар нарса яшаш мумкин бўлган жонсиз материал эмас, балки буюк, ўзига хос, қудратли халқ турганлигини доимо ёдда тутиш мафкурага асос бўлиши мумкин. Сўзнинг аниқ маъносида умуммиллий мафкура замонавий тушунишда ўзини улуғлашни эмас балки Ўзбекистон ва унинг халқи ўзига етарли эканли борасидаги ғояни қайд қилади, бошқаларга етказди. Ўзбекистонга ваъз-насихатлар, қуруқ шиорлар, бажарилмайдиган ваъдалар керак эмас, балки кишиларда ўз шаъни, ҳуқуқлари, соғлом фикр ва адолатга мос келадиган қонунлар ҳиссини уйғотиш зарур. Гоҳ ашаддийлик, гоҳ бўйсунувчанлик ҳиссига тўла диндорлик, тобеълик, иккинчи тоифа кишиларга, учинчи жаҳон мамлакатлари гуруҳига мансублик ҳиссларини улоқтириб ташлаш зарур.

Дунёни маданий тақсимланиши ниҳоясига етгани йўқ (агар етган бўлса Ўзбекистон олдида истиқболсиз ғарбга бўйсунуш ёки шарққа юз буриш турган бўлади), бу ўзбек йўлининг мустақил бўлиши зарурлиги муаммосини кўтаришга имкон беради. Аммо бу йўлни романтик-патриархал иборалар билан талқин қилиб бўлмайди. Миллий ғоя – Ватанга муҳаббат, унда инсон орзу-умидлари амалга ошишини кўриш истагида, ушбу буюк иш учун ўз кучларини сафарбар қилишда намоён бўлади. Жамиятнинг миллий мафкурасида акс этадиган ва ифодаланадиган “Ўзбекистон - ягона Ватан” деган миллий ғоянинг моҳияти мана шунда.

Ҳозирча тарихий ривожланиш билан миллий фарқларни текислаб бўлмаслиги, миллий мансублик қарашлари муҳим бўлганлиги боис миллий

¹⁷Мирзиёев Ш.М. Янги Ўзбекистон стратегияси –Тошкент, Ўзбекистон, 2021. –Б. 269

манфаатларни алоҳида эътибор билан ватанпарварлик туйғулари устида барпо этаётган миллий мафкура айнан шу масалани кўтармоқда: Ўзбекистонликлар учун Ўзбекистон манфаатларидан юксакроқ манфаатлар бўлиши мумкин эмас; ҳеч қачон унинг манфаатларини қурбон қилиб бўлмайди.

Миллий ўзликнинг шаклланиши аввало, миллат ҳаётий фаолиятининг мақсад ва марраларини белгилайди, унинг ўз ғоялари, мафкураси, назарий тилда айтсак, ўз концепциясининг шаклланиши билан узвий боғлиқдир. М.И.Беляевнинг фикрига кўра, бутун инсоният яхлит организмда ҳар бир миллатнинг ўз ўрнини белгилайдиган ғояси бўлиши керак ва миллатнинг ғояси давлат қурувчанликдадир¹⁸. Бизнингча, ўтмиш маънавий қадриятларимиздан келиб чиқиб ҳозирги миллий ғоямиз асосига қўйилган “комил инсонлар жамиятини куриш” ғояси бундан анча кенг ва чуқур.

Миллий ўзликни англаш ўз тузилмаси ва мафкуравий майдонлардаги бузғунчи ғояларга қарши кураш шаклига кўра – мураккаб ҳодиса бўлиб, уни ўрганиш ялпи, фанлараро ёндашувни тақозо этади. Кейинги йилларда ўтказилган махсус илмий-тадқиқотлар чоп этилган асарлар Ўзбекистонда бу борада ҳақиқий миллий уйғониш рўй берганини кўрсатади. Масалан, ижтимоий-гуманитар соҳаларда миллий ўзликни англаш мавзуси билан боғлиқ 70 дан зиёд диссертация ҳимоя қилинди, 400дан зиёд монография чоп этилди¹⁹.

Жамият аъзолари томонидан ўз миллатининг ўзига хос жиҳатларини ўзлаштириш даражаси унинг ўзлигини англаш хусусиятини белгилаб беради. Миллатнинг ўзликни англаш тузилмаси сиёсий ва ижтимоий ўзгаришларга нисбатан бир мунча консерватив ва барқарордир. Х.С.Жуманиёзов эса, барча ижтимоий ҳодисалар сингари миллат ҳам унинг маданияти ҳам ташқи дунёдан узилган ҳолда ривожлана олмайди²⁰, деб ҳисоблайди.

Миллий ўзликни англаш – бу шахснинг ўзи тўғрисида муайян миллат вакили сифатидаги барқарор анланган ва бетакрорлигини ҳис этадиган тасаввурлари тизимидир. Мазкур тушунчани кенг маънода ифодаланганда, у миллий жамият вакилларининг ўз ривожининг ўтмиши, бугунги куни ва келажаги тўғрисидаги, бошқа ҳамжамиятлар орасидаги ўрни ва вазифаси ҳамда улар билан ўзаро муносабатлари хусусияти тўғрисидаги тасаввурларининг ўзига хос мазмуни даражаси ва хусусиятларини акс эттирувчи қарашлар, билимлар, баҳолар, мақсадлар мажмуидир. Миллий ўзликни англаш

¹⁸ Беляев М.И. Концепция русского национально государства. – М., 2006. –С. 39

¹⁹ Мусаев Ф. Эл нетиб топқай мениким... // Тафаккур, 2015. 1-сон -Б. 23

²⁰ Жуманиёзов Х.С. Мустақиллик ва миллий ривожланишнинг маънавий-мафкуравий салоҳиятни шакллантириш муаммолари. Сиёсий фанлар номзоди илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация. Т, 2000. –Б. 65

миллатнинг муайян вакиллари томонидан умуммиллий онглилик унсурларини ўзлаштириш даражасини ҳам акс эттиради.

Миллий ўзликни англаш борасидаги қарашнинг асл эпистемологик сабаби “таҳлилчилар эътиборининг “гуруҳларни тузиш”га ва таснифлаш, тоифаларга ажратиш ва идентификация қилиш каби ”гуруҳлаштирувчи” фаолиятга кўчиришдан иборат. Ва бу каби кўп сонли ҳамда ҳар ерда учрайдиган тоифаларга ажратиш ҳаракатларидан ташқарида алоҳида гуруҳлар мавжуд бўлмайди. “Ирк, миллатга ёки элатга мансублик – деб таъкидлайди Брубейкер, — фақат идрокларда, талқинларда, тасаввурларда, таснифларда, тоифаларда ва идентификацияларда мавжуд бўлади ва фақат улар орқали зоҳирдир. Улар дунёдаги буюмлар эмас, балки дунёга қарашлар, нуқтаи назарлардир, онтологик эмас, балки эпистемологик воқеликлардир²¹.

Миллий ўзликни англаш миллий онгнинг асосидир. Миллий ўзликни англашнинг “ўз шахсини муайян миллий ҳамжамиятнинг бир қисми деб англаш ҳамда миллий ҳамжамиятнинг узоқ тарихий ривожланиш жараёнида шаклланган миллий қадриятлар эгаси, ижтимоий воқелик субъекти сифатида ўз-ўзини намоён этиш” сифатида белгиланади²².

Миллий ўзликни англаш генезиси ўз ривожланиш жараёнида кўп босқичли ва ўта нотекис, узоқ давом этган тарихий жараёндан иборатдир. Дастлаб тарихий маънода, миллий ўзликни англаш куртакларининг пайдо бўлиши оддий этнопсихологик даражада юз берган. Шу маънода “...миллий ўзликни англаш генезиси – муайян миллий вакиллари томонидан ўзини алоҳида бошқа миллий жамоалардан фарқланувчи ўзига хос манфаатлари, эҳтиёжлари, маданий ва тил ўзига хосликлари ҳамда бошқа хусусиятли жиҳатларга эгаллиги борасидаги ўзини англашнинг мураккаб юз йилликларни эгаллаган жараёндир”²³. Демак, миллий ўзликни англашнинг келиб чиқиш тарихи – маълум бир миллат вакиллариининг ўзини алоҳида хусусиятларга эга деб билишидир.

Миллий ўзликни англашнинг ривожланиши халқнинг ўз тадрижий тараққиёти билан боғлиқ бўлган ҳамда доимо ҳам қонуний сифат ва миқдор кўрсаткичлари билан хусусиятланавермайдиган, мураккаб, муттасил ва доимо ҳам бир текис бўлмаган жараёндан иборатдир. Бу жараёнда ҳар бир янги авлод турли қадриятлар, хилма хил жиҳатлар ва ўзига хосликларини қайта

²¹ Гранин Ю.Д. “Нация” и “этнос”: эволюция походови интерпретаций в философии и науке XXIII-XX столетий. Вопросы философии. 2015. № 7 –С. 12 (5-16)

²² Қўчқоров В. Ўзбекистонда ижтимоий-сиёсий ҳаётни демократиялаш жараёнида миллий ўзликни англаш муаммоси (сиёсий-фалсафий тадқиқот) Фалсафа фан. докт. диссертацияси-Т.: 2009. – Б.155

²³ Садохин А. П. Этнология : учеб.слов. / – М. : Гардарика, 2002., - С. 95.

мулоҳазадан ўтказди ва янги даврга хос бўлган замонавий талабларга мувофиқ келадиган миллий ўзликни англашни шакллантиради.

ХУЛОСА

Юқорида тилга олинган омиллар миллий ўзликни шакллантирувчи бўғинларидан иборат бўлиб, улар муайян элатнинг мавжуд шароитлари ва ривожланишидаги ўзига хосликларга боғлиқдир. Ушбу бўғинлар бир томондан халқнинг ижобий мансублигини шакллантиришга, ватанпарварлик, бурч, она ерга муҳаббат туйғуларини ривожлантириш, гуруҳлараро муҳаббат ҳамда кишиларнинг ўзаро масъулияти юксалишига мақбул шароитлар яратиши мумкин. Бошқа томондан, миллий ўзликни англашнинг ушбу тузилмавий таркибий қисмлари халқлар ўртасида душманлик ва нафрат уйғотиши, бошқа элат вакилларига нисбатан нохуш муносабатлар ирқчилик ва фашистик кайфиятлари тарқалишига, жамиятдаги миллий ҳаракатларга бузғунчи тус бериши ҳам мумкин.

REFERENCES

1. <https://www.xabar.uz/jamiyat/shavkat-mirziyoyevning-ozbekiston-mustaqilliginin>.
2. O'zbekiston Respublikasi Prezidenti Shavkat Mirziyoyevning 2017 yil 19 sentyabr Birlashgan Millatlar Tashkiloti Bosh Assambleyasining 72-sessiyasida so'zlagan nutqi.
3. Мирзиёев Ш.М. Янги Ўзбекистон стратегияси –Тошкент, Ўзбекистон, 2021. –Б. 269
4. Абдираззаков А. А. Национально-духовные ценности и их место в национальном самосознании нации: Автореф. дис. ... канд. филос. наук.-Т., 1995. -159с.
5. Худойбергенова П.Т. Миллий турмуш тарзи, унинг мустақиллик йилларида тараққиёт хусусиятлари. Фалс. фан. номз. дисс. автореф. - Тошкент: 2006. –Б.3.
6. Бекмуродов М. Миллий менталитет ва раҳбар маънавияти,. –Т., Адолат, 2003. –Б. 127
7. Маманазаров Н. Мустақиллик ва миллий-этник жараёнлар. –Т., «Ижтимоий фикр» ЖФЎМ, 2004. –Б. 45-46
8. Latifovich, S. M. (2024). Human Capital and Its Developing Factors. *Jurnal ISO: Jurnal Ilmu Sosial, Politik dan Humaniora*, 4(2).

9. Latifovich, S. M. (2024). ESSENCE AND CHARACTERISTICS OF INTELLECTUAL HUMAN CAPITAL. *International Multidisciplinary Journal for Research & Development*, 11(06).
10. Sharipov, M. L. (2024). HUMAN CAPITAL: EDUCATION AND HEALTH. *Academic research in educational sciences*, 5(5), 792-797.
11. Sharipov, M. L. (2023). MAHMUDXO ‘JA BENVUDIY ILMIY FAOLIYATIDA INSON KAPITALINI YUKSALTIRISH MASALALARI. *Academic research in educational sciences*, 4(3), 497-502.
12. Шарипов, М. Л. (2022). ИНСОН КАПИТАЛИ ТАРАҚҚИЁТИДА ТАЪЛИМ, САЛОМАТЛИК ВА ГЕНДЕР ТЕНГЛИКНИНГ АҲАМИЯТИ. *Academic research in educational sciences*, 3(5), 648-659.
13. Шарипов, М. Л. (2021). ИНТЕЛЛЕКТУАЛ ИНСОН КАПИТАЛИНИНГ МОҲИЯТИ ВА УНИНГ ЎЗИГА ХОС ХУСУСИЯТЛАРИ. *Academic research in educational sciences*, 2(CSPI conference 1), 980-984.